

Мендан зоҳидроқ экансан



08:00 / 03.07.2020 2699

Бир зоҳид ҳузурига келган бир кишидан: «Сени бу ерга нима бошлаб келди?» деб сўради. У: «Сенинг зоҳидлигингни эшитиб қолдим», деди. Зоҳид: «Мендан ҳам зоҳидроқ одамни айтайми?» деб сўради. «Ким у?» деди ҳалиги киши. «Сен», деди. «Қандай қилиб?» сўради у. Зоҳид шундай жавоб берди: «Чунки сен жаннатдан, ундаги Аллоҳ таоло тайёрлаб қўйган неъматлардан зуҳд қилдинг. Мен эса бу ўткинчи дунёдан ва унинг Аллоҳ қоралаган матоҳларидан зуҳд қилдим. Сен мендан кўра зоҳидроқ экансан».

«Солиҳлар гулшани» китобидан